
“Мехр дафтари”га киритилган ёшларга компьютер, тикув машиналари ва мебеллар тўплами топширилди

Учкўприк туманида “Мехр дафтари”га киритилган 4 нафар ёшга компьютер, тикув машиналари ва мебеллар тўплами топширилди.

Шу муносабат билан туман ҳокимлигига ўтказилган тадбирда Миллий гвардия вилоят бошқармаси бошлиғи Шавкатжон Акбаров ва масъул ташкилотлар вакиллари иштирок этди. Тадбирда туманда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг муаммоларини ўрганиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётгани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 9 августдаги “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори асосида “Мехр дафтари” жорий этилиб, унга етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни киритиш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ҳамда ҳал этиш, орзу-истакларини рўёбга чиқариш, жамиятга ижтимоий мослашувида яқиндан кўмаклашиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилмоқда.

Хусусан, “Мехр дафтари”га киритилган ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаган болаларнинг муаммо, эҳтиёж ва қизиқишлири ўрганилиб, тегишли жамғармадан зарур маблағ ажратилди ҳамда компьютер, скутер, мебель жиҳозлари, тикув машиналари харид қилинди. Бугун ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган яна 4 нафар ёшнинг истаклари амалга ошди ва ўзлари орзу қилган жиҳозларга эга бўлишди. Туманда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар давом этмоқда.

2023-08-08 13:05:26